



ЗАМОНАВИЙ ЖАНГЛАРДА ФРОНТ ОРТИ ТАЪМИНОТИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ (РАССИЯ- УКРАИНА УРИШИ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА)

Бобожонов Р.М.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ихтисослаштирилган ўқув маркази Қуролли Кучлар хизматчиси,
Жанговар ва моддий – техник таъминоти тайёргарлиги цикли
ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18771893>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-fevral 2026 yil
Ma'qullandi: 22-fevral 2026 yil
Nashr qilindi: 25-fevral 2026 yil

KEYWORDS

фронт орти таъминоти,
ҳарбий логистика, замонавий
жанг, рақамлаштириш,
дронлар, таъминот
хавфсизлиги.

ABSTRACT

Ушбу мақолада замонавий жанг шароитида фронт орти таъминоти (логистика) тизимининг аҳамияти, янги технологиялар таъсири ҳамда такомиллаштириш йўналишлари таҳлил қилинади. Ҳозирги гибрид ва юқори технологияли урушлар шароитида таъминот тизимининг барқарорлиги ғалабанинг муҳим омили сифатида кўриб чиқилади.

Ҳар қандай жангнинг муваффақияти фақатгина қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги билан эмас, балки уларнинг моддий-техникавий таъминоти билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Замонавий қуролли тўқнашувлар, жумладан, Россия – Украина уруши тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, жанг майдонидаги муваффақият кўп жиҳатдан фронт орти таъминоти тизимининг самарадорлигига боғлиқ эканлиги инobatга олиш лозим десак муболаға бўлмайди. Жанговар ҳаракатлар шароитида асосий транспорт йўллари таҳдид остида бўлади. Бу эса ресурсларни етказиб бериш қийинлаштиради, таъминот узилишларига олиб келади. Захираларнинг ҳаддан ташқари кўп тўпланиши ёки камлиги ресурсларнинг самарасиз сарфланишига сабаб бўлади. Бу ҳолат айниқса ёқилғи, ўқ-дори ва тиббий воситалар таъминотида хавфли ҳисобланади. Техника ишдан чиққанда уни тезда тиклаш муҳим. Аммо таъмирлаш бўлинмаларининг жойлашуви ва жиҳозланганлик даражаси баъзи ҳолларда талабга жавоб бермаслиги, техник таъмирлаш базаларининг ҳаракатчан эмаслиги кўрсатади.

Хусусан, Россия-Украина уруши, 2020 йилги Тоғли Қорабоғ уруши каби замонавий урушлар логистика масалаларининг долзарблигини яққол намоён қилди.

Фронт орти таъминоти тушунчаси ва вазифалари

Фронт орти таъминоти – бу қўшинларнинг қурол-аслаҳа, озиқ-овқат, ёқилғи-мойлаш материаллари, тиббий воситалар, кийим-кечак, муҳандислик ускуналари ҳамда бошқа зарур ресурслар билан ўзликсиз таъминлашга қаратилган комплекс тизимидир.

Замонавий жанглар тезкорлик, мобиллик ва юқори аниқликдаги қуролларнинг кенг қўлланиши билан ажралиб туради. Бу эса фронт орти таъминоти тизимига қўшимча талабларни юклайди:

- моддий ресурсларни етказиб бериш;
- захираларни шакллантириш ва бошқариш;
- транспорт тизимини мувофиқлаштириш;
- таъмирлаш ва тиклаш ва ишларни ташкил этиш;
- тиббий ва эвакуатсия хизмати.

Фронт орти таъминот тизими узлуксиз, тезкор ва хавфсиз бўлиши шарт. Агар қайсидир таъминот тизимида узилиш бўлса шу йўналишда шахсий таркибнинг йўқотишлари кўп учрайди. Барча таъминотлар бир-бири билан боғлиқ ҳолда қўшинни жанговар самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Замонавий жанг хусусиятлари ва логистикага таъсири



Бугунги кунда жанглар:

- юқори аниқликдаги қуроллардан фойдаланиш;
- дронлар ва сунъий интеллект технологиялари;
- киберхужумлар;
- гибрид уруш элементлари билан характерланади.

Қорабоғ уруши давомида дронлардан фаол фойдаланилиши таъминот колонналарига жиддий хавф туғдирган. Бу эса таъминот тизимини камуфляж, таққоқлаштириш ва автоматлаштириш заруратини кўрсатди.

Замонавий жанг технология, ахборот ва ресурсларга асосланган мураккаб тизимга айланди. Бу шароитда фронт орти таъминоти ёрдамчи эмас, балки стратегик устунликни белгилаб берувчи асосий омил ҳисобланади. Дронлар, кибертахдид ва юқори сарфли артиллерия шароитида логистика тизимини модернизация қилиш ҳар қандай армиянинг барқарор жанговар қобилиятини таъминлаш учун зарур шартдир.

Рақамлаштириш ва инновацион ечимлар

Рақамлаштириш ва инновацион ечимлар фронт орти таъминоти самарадорлигини кескин оширади. Сунъий интеллект, автоном транспорт, дронлар каби технологиялар логистикани стратегик устунлик воситасига айлантирмоқда. Замонавий фронт орти таъминоти қуйидаги технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди:

- ГПС ва рақамли мониторинг тизимлари;
- автоматлаштирилган омбор бошқаруви;
- дрон орқали юк етказиш;
- сунъий интеллект асосида ресурс режалаштириш.

Рақамли платформа орқали реал вақт режимида захира ҳолатини назорат қилиш имконияти пайдо бўлади. Бу эса қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштиради.

Келажак урушларида рақамли устунликка эга бўлган томон логистика барқарорлиги орқали афзалликка эришилади.

Бунинг учун кадрлар малакасини ошириш ҳозирда муҳум саналади. Таъминот тизимида ишлайдиган офицер ва мутахассислар логистика бўйича билимли бўлиши керак. Илғор тажрибаларни ўрганиш, жумладан НАТО га аъзо давлатлар логистика стандартларини таҳлил қилиш, фойдали натижа берешига ишонч ҳосил қилди. Махсус ўқув курсларлари ва амалий машғулотлар самарадорликни оширади.

Такомиллаштириш йўналишлари

Фронт орти таъминотини такомиллаштириш учун:

- захираларни диверсификация қилиш;
- мобил таъминот пунктларни ташкил этиш;
- рақамли платформаларни жорий этиш;
- логистика соҳасида мутахассислар тайёрлаш;
- миллий саноатни ривожлантириш зарур ҳисобланади.

Маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантирилмасдан туриб фронт орти таъминотини такомиллаштиришда анча қийинчиликларга дуч келиниши мумкин. Чунки импортга қарамликни камайтиришни бирдан-бир йўли бу маҳаллаий ишлаб чиқариш ривожлантириш ҳисобланади. Агар керакли маҳсулотлар мамлакат ичида ишлаб чиқилса, таъминот тез ва арзон бўлади, импорт камаяди. Шунингдек, таъминлаш ишларини жойларда ташкил этиш вақтни тежайди. Шу билан бирга кўчма омборлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу омборлар керакли жойга тез кўчирилади ва вақтни тежайди. Озиқ-овқат маҳсулотлари учун совитгичли контейнерлар жорий қилиш ҳам муҳим. Қолаверса, таъмирлаш базаларини ҳудудий жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Замонавий жангларда ғалаба фақат фронт чизиғида эмас, балки ресурслар, технология ва логистика барқарорлигида ҳал бўлади.

Фронт орти таъминотини такомиллаштириш учун унда режалаштириш, рақамли бошқарув, кучли транспорт тизими, малакали кадрлар ва хавфсизлик чоралари бири-бири билан боғлиқ ҳолда ишлаш керак. Тизим қанчалик аниқ ва тезкор ишласа,

қўшинларнинг аниқ ва тезкор ишласа, қўшинларнинг жанговар қобилияти шунчалик юқори бўлади.

Хулоса

Фронт орти таъминоти барқарор бўлмаган қўшин юқори технология ва жанговар маҳоратга эга бўлса ҳам узоқ муддатли устунликка эриша олмайди. Шу боис логистика тизимини десперс шаклга ўтказиш, рақамлаштириш ва инновацион ечимларни жорий этиш, миллий ҳарбий-саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда киберхавфсизликни кучайтириш стратегик зарурият ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Россия – Украина уруши бўйича таҳлилий материаллар. Журнал оф Славис Милитарй Студиес, 2022 – 2024 йиллар.
2. Қорабоғ уруши тажрибаси бўйича таҳлиллар. Дефенсе Сесуритий Аналйсис Жоурнал, 2021 йил.
3. НАТО. НАТО Логистисс Ҳандбоок. Брусселс, 2012.
4. Унитед натионс. УН Пеасекеепинг Логистисс Мануал. Нев Ёрк, 2020.

